

**“Тошкент Магистрал канали бош иншооти дарвозаларини автоматлаштириш” ишларини амалга ошириш бўйича тузилган**

**SSS-48 -сонли шартнома**

“22” август 2022 йил

Тошкент ш.

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган, Тошкент Магистрал канали Бошкармаси номидан Низом асосида иш юритувчи Н.Б.Туляганов бир томондан, ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган, “Smart Solutions System” МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари И.Фозилов иккинчи томондан, мазкур шартномани туздилар:

**I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ**

1.1. “Пудратчи” мазкур шартнома шартларига кўра лойиҳада кўзда тутилган **“Тошкент Магистрал канали бош иншооти дарвозаларини автоматлаштириш”** объекти бўйича ишларини бажариш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” эса “Пудратчи” га юқоридаги ишларни бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ**

2.1. Мазкур шартнома бўйича пудратчи пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати тендер натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг 17 август 2022 йилдаги 135657-сонли баённомаси, 22110012135657-сонли лоти билан тасдиқланган ишлар умумий қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда қўшилган қиймат солиғи билан жорий нархларда **278 000 000** сўм (ҚҚС билан) қилиб белгиланган. Шу жумладан ҚҚС (15%) қиймати – 36 260 870 сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда; ишлар ҳажми “Буюртмачи” томонидан ўзгартирилганда.

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар “Буюртмачи” билан “Пудратчи” ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

**III. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” мазкур шартноманинг I бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартнома, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни “Буюртмачи” га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

“Буюртмачи” ни пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

қурилиш майдони кўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ҳамда лойиҳада кўрсатилган барча иш ҳажмларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг 60 фоизидан кам бўлмаган қисмини мажбурий тарзда ўз кучлари билан, қолган қисмини субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши, ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун “Буюртмачи” олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

**IV. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани бажариш учун:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича “Пудратчи” га бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган “Пудратчи” томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, “Пудратчи” дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

“Пудратчи” нинг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан “Пудратчи” га бўнак бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой давомида “Пудратчи”га ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### **V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

5.1. Қурилишнинг давом этиш вақти, ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

5.2. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

Объектда ишларнинг бошланиш муддати – 2022йил 25 август

Объектда ишларнинг тугалланиш муддати – 2022йил 25 сентябрь

#### **VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

6.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдорида аванс ўтказади, бу 83 400 000 сўмни (ҚКС билан) ташкил этади.

6.2. “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи” га бўнак бериш ва жорий молиялаштириш объектдаги ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига асосан амалга оширилади.

Бажариладиган ишлар объектлари бўйича “Пудратчи” корхоналар билан ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган тартибда ва тўлов турлари воситасида амалга оширилади.

#### **VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

7.1. “Буюртмачи” қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у “Буюртмачи” нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек “Пудратчи” томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

7.3. “Пудратчи” техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор “Пудратчи” томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

7.4. “Пудратчи” ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг V бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.5. “Пудратчи” объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

7.6. “Буюртмачи” қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун “Пудратчи” га геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

7.7. “Пудратчи” геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геодезия ишларида хатолар аниқланса, “Пудратчи” “Буюртмачи” билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

7.8. “Пудратчи” геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича “Буюртмачи” га беради.

7.9. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин “Пудратчи”, “Буюртмачи” ни ёзма равишда хабардор қилади.

7.10. Агар “Буюртмачи” “Пудратчи” ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг

сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда “Пудратчи” ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

7.11. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача “Пудратчи” ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, “Буюртмачи” ва “Пудратчи” нинг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар акс эттирилади.

Агар “Буюртмачи” ишларнинг бориши ва сифатидан ёки “Пудратчи” нинг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

“Пудратчи” дафтарда “Буюртмачи” томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Бажариладиган қурилиш объектлари бўйича “Пудратчи” корхоналар билан ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган тартибда ва тўлов турлари воситасида амалга оширилади.

### **VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

8.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч таъсири натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар шартнома шартларини қисман ёки тўлиқ бажара олмаса жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда “Пудратчи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

### **IX. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

9.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

9.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида “Пудратчи” нинг ёзма билдиришномаси “Буюртмачи” томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида объектдан фойдаланувчи субъект билан биргаликда қабул қилиб олинади.

9.3. “Пудратчи” қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин “Буюртмачи” томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. “Пудратчи” “Буюртмачи” га ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект ушбу объектдан доимий фойдаланувчи сув ҳўжалиги ташкилотининг мулкига айланади.

### **X. КАФОЛАТЛАР**

10.1. “Пудратчи”:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўллаётган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига, ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди;

“Буюртмачи” томонидан ажратиладиган маблағларнинг 3-иловага асосан мақсадли сарфланишини

таъминлайди.

10.2. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати, нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар “Пудратчи” томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари “Пудратчи” ва “Буюртмачи” нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар “Пудратчи” бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда “Буюртмачи” мазкур шартноманинг VI бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини “Пудратчи” дан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

10.3. “Пудратчи” нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш “Давархитектқурилишназорат” органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## **XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

### **11.1. “Буюртмачи”:**

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши “Буюртмачи” га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати “Пудратчи” нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, “Пудратчи” томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

“Пудратчи” томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### **11.2. “Пудратчи”:**

ишларнинг бажарилиши “Пудратчи” га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра “Буюртмачи” томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

“Буюртмачи” томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.3. Шартнома бекор қилинганда “Буюртмачи” ва “Пудратчи” нинг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда “Буюртмачи” га берилади, “Буюртмачи” бажарилган ишлар қийматини “Пудратчи” га тўлайди.

11.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон, мазкур бўлим қонунсизлиги мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборди.

11.5. Шартнома тарафларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги натижасида бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

11.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

12.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

12.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун

“Буюртмачи” “Пудратчи” га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши “Буюртмачи” ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

12.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун “Буюртмачи” “Пудратчи” га ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,01 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

12.4. “Пудратчи” объектни ўз вақтида ишга тушириш ва ишларни бажариш жадвали бўйича мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи” га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

“Буюртмачи” томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун “Пудратчи” “Буюртмачи” га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш “Пудратчи” ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

12.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда “Буюртмачи” объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек “Пудратчи” дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

12.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

12.7. “Буюртмачи” томонидан объектда бажарилган ишларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар мақсадсиз сарфланган тақдирда, “Пудратчи” мақсадсиз сарфланган маблағни махсус молиялаштириш ҳисоб рақамига тиклайди ҳамда унинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

12.8. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### **ХIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

13.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқоролик суди томонидан кўриб чиқилади.

### **ХIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

14.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

14.2. “Пудратчи” қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини “Буюртмачи” нинг ёзма рухсатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирор-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

14.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва

томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

14.4. “Буюртмачи” билан “Пудратчи” ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

14.5. Агар “Пудратчи” шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда “Буюртмачи” “Пудратчи” қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

14.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

14.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган уч нусхада тузилди ва тарафлар томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга кирази ва 2022 йил 31 декабр кунига қадар амал қилади.

## XV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

### ПУДРАТЧИ

“Smart Solutions System” МЧЖ

Юридический адрес: г. Ташкент, ул. Лабзак, 1А

Расчетный счет №: 20208000005153369002

ИНН: 306945457 ОКОНХ: 62030

МФО: 01071 В банке: "ORIENT FINANS BANK" головной офис г.Ташкент



Директор

И.И.Фозилов

### БУЮРТМАЧИ:

Тошкент Магистрал канали Бошқармаси

Манзил: Тошкент шаҳри Бектемир тумани Роҳат 13

Тел./факс: 295-05-02, 295-23-47

ш/х: 100021860272647042402170001

РКЦ ГУ ЦБ г.Ташкент

СТИР: 305962564

ОКЭД: 36000

Ғазначилик бўлинимаси номи: Ўзбекистон

Республикаси Ғазначилик бошқармаси

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: РКЦ ГУ ЦБ г.Ташкент

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинимаси СТИРи: 201122919



Бошлик

Н.Туляганов

### Хукукшунос хулосаси

Ушбу шартнома УзР Фуқаролик кодекси, "Хужалик юритувчи субъектларнинг шартномавий ҳукукий базаси туғрисидаги" қонуни талабларига мувофиқ бўлиб шартнома тузилиши ва имзоланиши мумкин.

Хукукшунос

К.Тиллабаев



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"SMART SOLUTIONS SYSTEM" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"SMART SOLUTIONS SYSTEM" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

16.12.2019

791058

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306945457

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:


Toshkent shahri, Shayxontoxur tumani, LABZAK KO'CHASI, 1A-UY,

Guyohnoma:

Toshkent shahri, Shayxontoxur tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



«TASDIQLAYMAN»  
“Toshkent Magistral kanali  
boshqarmasi” boshlig’i o’rinbosari,  
komissiya raisi



Sh.Anorboyev

«22» avgust 2022 yil

“Toshkent Magistral kanali bosh inshootini avtomatlashtirish” obykti bo’yicha tanlov komissiyasining

2-sonli  
YIG’ILISH BAYONNOMASI

2022 yil «22» avgust.

Toshkent shahri

“Toshkent Magistral kanali boshqarmasi” ning 2022 yil 10 yanvardagi 03-sonli buyrug’ining  
1-ilovasiga asosan tasdiqlangan idoraviy tanlov komissiyasi tarkibi:

Komissiya raisi:	Sh.Anorboyev	- Boshliq o’rinbosari
Komissiya a’zolari:	F.Mannanova	- Bosh hisobchi .
	I.Xusanbayev	- Bosh mutaxassisi
	B.Bektayev	- Uchastka boshlig’i
	E.Abdurashitov	- Ombor mudiri
Komissiya kotibi:	O’.Mahkamova	- Xodimlar bo’yicha inspektor (ovoz berish huquqisiz)

Yig’ilishni tanlov komissiyasi raisi SH.Anorboyev olib bordi.

**KUN TARTIBI:**

1. Toshkent Magistral kanali bosh inshootini avtomatlashtirish obykti bo’yicha kelib tushgan e’tirozlarni ko’rib chiqish.

Komissiyaning 17-avgustdagi etender-uzex.uz maxsus axborot potalida shakllantirilgan elektron bayoniga asosan ishtirokchilar tomonidan taqdim etilgan hujjatlarni o’rganib chiqib, tanlash natijalari e’lon qilinganligini aytib o’tdi.

Shuningdek, 135657-sonli lot bo’yicha O’RQ-684-sonli “Davlat xaridlari to’g’risida”gi qonunning talablariga qat’iy rioya qilish bo’yicha tushuntirish berib o’tdi.

Xarid komissiyasi a’zolarida mazkur 135657-sonli lot ishtirokchilari bilan affillanganlik xususiyatiga ega aloqalar mavjud emas.

Muhokamaga qo'yilgan masala yuzasidan 2 (ikki) ish kuni davomida hech qanday takliflar kelib tushmadi va noroziliklar bildirilmadi.

Tanlashda qatnashgan tashkilotlar takliflari quyidagicha belgilangan:

1. OOO“FARG'ONA YUKSALISH INVEST GROUP” – 279 900 000 so'm.
2. OOO“SMART SOLUTIONS SYSTEM” – 278 000 000 so'm.

Mazkur obyekt bo'yicha buyurtmachi tomonidan belgilangan boshlang'ich narx:  
280 000 000 so'm.

Komissiya qaroriga asosan “Toshkent Magistral kanali bosh inshootini avtomatlashtirish” bo'yicha eng maqbul taklifni bildirgan OOO“SMART SOLUTIONS SYSTEM” ni 278 000 000 so'm, taklif narx bilan avtomatlashtirish ishlarini 30 kun muddatda yakunlash sharti bilan tanlov g'olibi deb topishni hamda zahira ishtirokchi sifatida OOO“FARG'ONA YUKSALISH INVEST GROUP” ni 279 900 000 so'm taklif narx bilan ishlarni 30 kun muddatda yakunlash sharti bilan zahiradagi ikkinchi g'olib tashkilot deb topildi.

### Eng yaxshi takliflarni tanlab olish bo'yicha xarid komissiyasi

#### QAROR QILADI:

1. “Toshkent Magistral kanali bosh inshootini avtomatlashtirish” bo'yicha OOO“SMART SOLUTIONS SYSTEM” – 278 000 000 so'm so'm taklif narx bilan avtomatlashtirish ishlarini 30 kun muddatda yakunlash sharti bilan g'olib tashkilot deb topilsin.
2. Zahira ishtirokchi sifatida o'z taklifini bergan OOO“FARG'ONA YUKSALISH INVEST GROUP” ni 279 900 000 so'm taklif narx bilan ishlarni 30 kun muddatda yakunlash sharti bilan zahiradagi ikkinchi g'olib deb topilsin.
3. Tanlov g'olibi OOO“SMART SOLUTIONS SYSTEM” bilan “Toshkent Magistral kanali boshqarmasi” ning Moliya xo'jalik bo'limi bosh hisobchisiga o'rnatilgan tartibda shartnoma tuzish vazifasi yuklatilsin.

#### Komissiya a'zolari:

F.Mannanova

I.Xusanbayev

E.Abdurashitov

B.Bektayev

Komissiya kotibi

O'.Mahkamova

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 135657 на приобретение Услуга установки автоматического устройства для ворот

Способ проведения электронный

Дата 17.08.2022

Время рассмотрения 17.08.2022 17:06

Конкурсная комиссия Тошкент Магистрал канали бошқармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	ANORBOYEV SHERZOD ABDUSODIKOVICH	Заместитель директора	Тошкент магистрал канали бошқармаси
<b>Секретарь комиссии</b>	MAXKAMOVA UGILOY DJALILOVNA	Инспектор по кадрам	Тошкент магистрал канали бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	XUSANBOYEV IKROM ISMOIL O'G'LI	Бош мутахассис	Тошкент магистрал канали бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	ABDURASHITOV ELMAR REFATOVICH	Омбор мудир	Тошкент магистрал канали бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	BEKTAYEV BABAMURAT SIDIKBAY O'G'LI	Участка бошлиғи	Тошкент магистрал канали бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	MANNANOVA FERUZA ABDUKADIROVNA	гл.бухгалтер	Тошкент магистрал канал бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 17.08.2022 года № лота 135657.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга установки автоматического устройства для ворот</b>
Подробное описание	Услуга установки автоматического устройства для ворот
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	280 000 000.00
Стартовая сумма	280 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 3-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Коррупция куринишларига йул куймаслик буйича ариза

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO SMART SOLUTIONS	5	Коррупция	5	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SYSTEM		курунишларига йул куймаслик буйича ариза				
OOO FARG'ONA YUKSALISH INVEST GROUP	5	1	5	Экспертная		
GIDROTEX MONITORINGINI YURITISH MARKAZI MCHJ	5	Коррупция курунишларига йул куймаслик буйича ариза	5	Экспертная		

Критерий №2 4-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектнинг буюртмачи белгиланганбошлангич нархининг 20%гача микдоридаги айланма маблаглар мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO SMART SOLUTIONS SYSTEM	5	Объектнинг буюртмачи белгиланганбошлангич нархининг 20%гача микдоридаги айланма маблаглар мавжудлиги	5	Экспертная		
OOO FARG'ONA YUKSALISH INVEST GROUP	5	1	4	Экспертная		
GIDROTEX MONITORINGINI YURITISH MARKAZI MCHJ	5	Объектнинг буюртмачи белгиланганбошлангич нархининг 20%гача микдоридаги айланма маблаглар мавжудлиги	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Критерий №3 6-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни бажаришда фойдаланадиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлар руйхати.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO SMART SOLUTIONS SYSTEM	10	Ишларни бажаришда фойдаланадиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлар руйхати.	10	Экспертная		
OOO FARG'ONA YUKSALISH	10	1	9	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INVEST GROUP						
GIDROTEX MONITORINGINI YURITISH MARKAZI MCHJ	10	Ишларни бажаришда фойдаланадиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлар руйхати.	8	Экспертная		

Критерий №4 1-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси хакида умумий маълумотномалар курсатилган ходимларнинг хакикий мавжудлиги, уларнинг иш стажива малакаси тасдиқловчи хужжатлар нусхасини тақдим этиш.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO SMART SOLUTIONS SYSTEM	10	Танлов иштирокчиси хакида умумий маълумотномалар курсатилган ходимларнинг хакикий мавжудлиги	8	Экспертная		
OOO FARG'ONA YUKSALISH INVEST GROUP	10	1	9	Экспертная		
GIDROTEX MONITORINGINI YURITISH MARKAZI MCHJ	10	Танлов иштирокчиси хакида умумий маълумотномалар курсатилган ходимларнинг хакикий мавжудлиги	8	Экспертная		

Критерий №5 2-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги уч йилдаги молиявий ахволи хакидаги хужжатлар, аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар хакидаги хисоботлар (Баланс хисоботларини нусхалари билан), Танлов иштирокчисинг салохияти (айланма маблаглар билан таъминланганлиги) тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO SMART SOLUTIONS SYSTEM	10	Охирги уч йилдаги молиявий ахволи хакидаги хужжатлар	8	Экспертная		
OOO FARG'ONA	10	1	8	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>YUKSALISH INVEST GROUP</b>						
<b>GIDROTEX MONITORINGINI YURITISH MARKAZI MCHJ</b>	10	Охирги уч йилдаги молиявий ахволи хакидаги хужжатлар	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Критерий №6 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдаги объектга ухшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO SMART SOLUTIONS SYSTEM</b>	10	Танловдаги объектга ухшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси.	8	Экспертная		
<b>OOO FARG'ONA YUKSALISH INVEST GROUP</b>	10	1	8	Экспертная		
<b>GIDROTEX MONITORINGINI YURITISH MARKAZI MCHJ</b>	10	Танловдаги объектга ухшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси.	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Критерий №7 7-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети булмиш объектни куриш даврида иштирок этадиган шартномалар хакида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO SMART SOLUTIONS SYSTEM</b>	5	Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети булмиш объектни куриш даврида иштирок этадиган шартномалар	4	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		хакида маълумот				
<b>OOO FARG'ONA YUKSALISH INVEST GROUP</b>	5	1	4	Экспертная		
<b>GIDROTEX MONITORINGINI YURITISH MARKAZI MCHJ</b>	5	Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети булмиш объектни куриш даврида иштирок этадиган шартномалар хакида маълумот	3	Экспертная		

Критерий №8 8-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш майдонини курганлик тугрисидаги маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO SMART SOLUTIONS SYSTEM</b>	5	Курилиш майдонини курганлик тугрисидаги маълумотнома	5	Экспертная		
<b>OOO FARG'ONA YUKSALISH INVEST GROUP</b>	5	1	4	Экспертная		
<b>GIDROTEX MONITORINGINI YURITISH MARKAZI MCHJ</b>	5	Бажариладиган ишларнинг Иловада келтирилган лойиха смета хужжатлари тулик урганиб чиқилди	1	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>OOO FARG'ONA YUKSALISH INVEST GROUP</b>	280 000 000.00	279 900 000.00 UZS	279 900 000.00	00.00	279 900 000.00	12.08.2022 19:16:54	29.80
<b>OOO SMART SOLUTIONS SYSTEM</b>	280 000 000.00	278 000 000.00 UZS	278 000 000.00	00.00	278 000 000.00	11.08.2022 12:17:12	30.00

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
OOO FARG'ONA YUKSALISH INVEST GROUP	59.5	29.8	89.3
GIDROTEX MONITORINGINI YURITISH MARKAZI MCHJ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
OOO SMART SOLUTIONS SYSTEM	61.8331	30	91.8331

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 135657 от 17.08.2022 года на приобретение Услуга установки автоматического устройства для ворот определила победителем:

OOO SMART SOLUTIONS SYSTEM  
306945457

и резервный исполнитель: OOO FARG'ONA YUKSALISH INVEST GROUP (306311146)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	ANORBOYEV SHERZOD ABDUSODIKOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XUSANBOYEV IKROM ISMOIL O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ABDURASHITOV ELMAR REFATOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	BEKTA'YEV BABAMURAT SIDIKBAY O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MANNANOVA FERUZA ABDUKADIROVNA	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП